

Изох:

1. Ўқув режасига қўшимча киритиладиган модуллер Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.
2. Ўқув режасидаги модуллерга ажратилган соатлар микдори аудитория ва мустакил таълим соатларини камраб олади.
3. Мазкур ўқув режа асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналишидан келиб чиқиб ишчи ўқув режа тузилади ва таянч олий таълим муассасасининг Кенгашида тасдиқланади. Бунда таянч олий таълим муассасасига ҳафталик ўқув юкламасини сақлаган ҳолда модуллер ҳажмини 5% гача ўзгартириш ҳукуки берилади.
4. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва амалий хорижий тил модуллари бўйича амалий машғулотлар иккита кичик гуруҳларга бўлиб ўқитилади (ҳар бир кичик гуруҳда камида 10-12 нафаргача тингловчилар бўлиши шarti билан).
5. Машғулотлар муаммоли маъруза, семинар-тренинг, давра сухбати, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ҳамда бошқа интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.
6. Кўчма машғулотлар олий таълим муассасалари, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа корхона ва ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва лойиха-конструкторлик муассасаларида ташкил этилади.
7. Мустакил таълим тегишли модуль дастурида келтирилган мавзулар бўйича тайёрланган топшириқлар асосида амалга оширилади.
8. Педагогик амалиётда тингловчиларнинг тегишли кафедраларда дарсларни кузатиши, очик маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиши, ўтказилган дарсларни муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилиши режалаштирилган.
9. Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси модуллер бўйича жорий назорат, педагогик амалиёт якунлари, касбий фаолият кўрсаткичлари, чиқиш тест синовлари натижалари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини химоя қилиш асосида ўтказилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашида маъқулланган.
2016 йил «26» 03 даги 2 -сонли баённома.

Олий таълим муассасалари Бош бошқармаси бошлиғи

И.У.Мажидов

Бош илмий-методик марказ директори

У.Ш.Бегимқулов

Тошкент давлат аграр университети ректори

Б.А.Сулаймонов

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги "Олий таълим муассасалари кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси" бошлиғи

Х.Х.Хамидов

ТДАУ ҳузуридаги ПКҚТ ва МО тармоқ маркази директори

С.С.Гулямов

